

Insonga naf keltirish — oliy baxt!


Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Шукрона

Хайтадаги шиорим — ҳалоллик, поклик, виждон амрига бўйсунмоқ. Бунга амал қилиб яшаб кам бўлмадим. Шукрки, фарзандларим ҳам изимдан боришяпти.

Ажиб юртда яшаш бахти



Жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги тантаналарига қизгин тайёргарлик кўрилаётган айни кунларда ҳар бир юртдошимиз қалбида «Ким эдигу, ким бўлди?» деган нидо акс-садо бериб турибди, албатта.

Истиқлол туфайли барча соҳалар каби таълим тизимида ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Туманимизнинг энг олис ва чекка қишлоқларидаги мактаб бинолари ҳам ё янгиликдан қурилди ёки мукамал таъмирдан чиқарилиди. Янги касб-хунар коллежи, санъат мактаблари бинолари қад ростлади. Уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Болалар спортини ривожлантиришди.

Бахмал ҳам тубдан ўзгариб, намунали худудлардан бирига айланиб бормоқда. Мухташам турар-жой бинолари, маданият-маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари шу қадар нозик дид билан қурилганки унинг ижодкорларига беихтиёр тасаннолар айтасиз. Йилликка бурқанган гўшадан бахри-дилнинг очилди.

Бахмал — туризмага мос ўлка бўлиб, сайёҳлик тизимининг кенг йўлга қўйилгангани айтиш мумкин бўлмақда. Сайёҳларга жаҳон андозалари асосида хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган сайёҳ-ҳаракатлардан хабардорман. Тоғ бағрида соғломлаштириш пансионатлари мунтазам ишлаб тургани қандай яхши!

Хайтнинг оғир-енглини кўп кўрдим. Шукрки, мустақиллик туфайли қадримиз юксалди, юртимиз обод бўлди. Айниқса, биз, кексалар Президентимиз ва халқимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғам-хўрликдан кўнглимиз тоғдек кўтаришмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони бу йўналишдаги эътиборнинг амалдаги яна бир ёрқин намунасидир. Шундай жаннатмонанд юртда яшаётганимиз ҳамisha қалбимда алоҳида ифтихор ҳиссини уйғотади. Бу ноъматнинг қадрига етиб яшай билиш билан бирга, ёшларнинг Ватанга муносиб фарзанд бўлиб камол топишларига биз, нурунийлар ҳам масъул эканлигимизни асло унутмаймиз.

Фиёс БЕКАМОВ,
уруш фахрийси

Давра суҳбати

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 28 апрел — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишланган Давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси депутatlари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Саноатгео-контехназорат» давлат инспекцияси, ижтимоий ҳамкор вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган бир қатор халқаро ташкилотлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.



Меҳнат муҳофазаси — касба уюшмалари диққат марказида

Тадбир аввалида меҳнат жамоасида меҳнат муҳофазасини яхши йўлга қўйган қатор корхона ва ташкилотлар, касба уюшма қўмиталари фаолиятига оид кўргазма ташкил этилди. Техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасига оид йўл-йўриқлар, турли стендлар корхонада хавфсиз иш шaroити яратиш учун биринчи навбатда нималарга эътибор қаратилиши лозимлиги ҳақида маълумот беради. Шунингдек, ишчилар хавфсизлигини таъминловчи махсус кийим-кечаклар, турли асбоб-ускуналар ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятлари, «Ўзбекнефтьгаз» МХК каби йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари меҳнат муҳофазаси йўналишида тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашганилиги эса нур устига нур бўлди. Мухтасар айтганда, кўргазма меҳнатни муҳофаза қилишга доир атрофлича тушунчага эга бўлиш имконини берди.

— Кўриб турганингиздек, корхонамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўпчиликти манзур бўлди. Бунда шубҳасиз, меҳнат жамоамизнинг ўрни катта, — дейди Олмалик кон-металлургия комбинати касба уюшма кенгаши раиси А.Жайдаров. — Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш уларни янги-

яни зафарларга руҳлантирмоқда. Жумладан, жамоа шартномамизнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битиммида кўзда тутилган тадбирлар изчил бажариб келинмоқда. Биргина ўтган йилда бунинг учун 326,1 млн. сўм йўналтирилиб, 1600 нафар ходим, шу жумладан, 188 нафар ишловчи аёлларнинг меҳнат шaroитлари яхшиланишига эришилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева мамлакатимизда ходимлар меҳнати муҳофазаси, уларга хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шaroитлари яратиш масалаларига эътибор йил сайин кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси маданиятини ривожлантириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб борилаётган ишлар сифати ва самардорлигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш борасида ижтимоий шериклини янада ривожлантириш масаласига алоҳида тўхтаб ўтилди.

Бугунги кунда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, ва бунда албатта, асосий эътиборни профилатика ишларига қаратиш масаласи касба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан

бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу боис Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда худудий ва тармоқ касба уюшмаларида фаолияти йўлга қўйилган Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан меҳнатда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, иш берувчилар масъулиятини янада ошириш йўналишларидаги ишлар тобора изчиллик касб этмоқда. Жамоа шартномалари орқали корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий-маиший объектларнинг узлуқсиз фаолияти йўлга қўйилиб, ходимлар тегишли тартибда махсус кийим-бош, шахсий химия воситалари, профилактика озиқ-овқатлари билан таъминланмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Бош келишув асосида «Меҳнат шaroитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури» ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Хусусан, мазкур дастур доирасида «Ўзкимёсаноат», «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниялари тизимидаги корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишлар ўрганилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди.

➤(2).

Истиқлол иншоотлари

Йўллар элларни элларга, дилларни дилларга боғлайди. Келтирилган муждалар ҳамisha тараққиёт эпкинларидан огоҳ этади. Янги йўллар очилган худудлар тез орада янгича кифа касб этиши, ўзгача фаровонликка эришиши аслида шундан.



Истиқлолнинг шарофати ила бунёдкорликлар кенг қулоч ёйиб бораётган паллада Юртбошимиз Фаргона водийсининг географик ва иқтисодий имкониятларини донолик билан баҳолаб, 2013 йил 18 июнда «Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекиди. Мазкур ҳужжат водийликлар орзиқиб кутаётган янги даврни бошлаб берди десак, муболаға бўлмас. Чунки ушбу иншоот қурилиши ниҳоясига етиши билан Европани Шарқ билан боғловчи энг афзал робота вуҷудга келади.

Мазкур лойиҳа доирасида узунлиги 19,1 километрлик туннель, 285 та сув ўтказиш ва олти йўл ўтказгич иншооти, 19 та темир йўл кўприги, олтига станция ва иккита вокзал қурилиши амалга оширилмоқда.

Юртбошимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобида келтирилганидек, мазкур темир йўл линияси ишга тушиши билан йилга транзит ҳисобидан 140 миллион доллар давлатимиз бюджетига иқтисод қилиниши, 20 миллион 500 минг тонна буюк келажаги йўлида хизмат қилиниши, энг асосийси, ёшлардан бир ярим минг нафари ишли бўлиши кўзда тутилмоқда. Мазкур рақамларнинг ўзиёқ ушбу қурилишнинг қўлами қанчалар кенг эканлигини кўрсатиб турибди.

Қолаверса, темир йўл атрофида вуҷудга келаётган янги инфратузилманинг замон билан ҳамнафаслигини эътироф этиш жоиз.

— Ангрен—Поп темир йўлининг қурилиши водийда туризм ривожига ҳам кенг йўл очиб беради, — дейди Поп туманидаги «Lorden Biznes» МЧЖ раҳбари Аббосхон Полвонов. — Табиат бу гўшага саховатини аямаган: ажойиб иқлим, тарихий обидалар кўпчиликини қизқитириши, шубҳасиз. Бу эса янги-янги туристик йўналишларни йўлга қўйишда муҳим омил бўлиши мумкин. Шу мақсадда меҳмонхона қурди.

Темир йўл қурилиши Аббосхон каби илғор фикрловчи, бизнесда омадлик қўллаб-қувватлашнинг янги гоёларга илҳомлантирмоқда.

Яна бир жиҳати, бунёдкорлик жараёни билан тенгма-тенг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам қизгин паллага кирган. Зеро, аср қурилиши номини олган улғувор бунёдкорлик, яратувчиликка мос равишда ҳамма нарса мукамал, гўзал кўриниш касб этмоғи айтиш мумкин. Ушбу саришталик тадбирларига касба уюшма фаоллари ҳам ўз хиссасини қўшаётир. Темир йўл линияси ён худудларида қад ростлаган уй-жойларнинг ташиқ қисмини таъмирдан чиқаришга, турли манзарали ва мевали дарахт қўчатлари ўтказишга жамоат ташкилоти фидойилари бош-қош бўлмоқда.

Энг асосийси, обод юртининг ҳар гўшасида ҳукм суратётган бахтиёр ҳаёт қўшиғи одамлар қалбига янги оҳанглари олиб кирмоқда.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» муҳбири

Бандлик дастури — амалда

Битирувчиларга янги иш ўринлари

Жиззах вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўрни яратиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Фориш туман кенгаши томонидан худуддаги тармоқ касба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда Дастур ишлаб чиқилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Маълумки, сўнгги йилларда касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш-

лари учун шарт-шaroит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг феврал-март ойларида туман ҳокимлиги ҳамда таъ-

лим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Фориш туман кенгаши ҳамкорлигида уч нафар коллеж битирувчиси хизмат кўрсатиш ва

сервис соҳасида янги иш ўрнига эга бўлди. Шунингдек, яқин келажикда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёшлар учун меҳнат дастурлари расмийлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Шундай қилиб, коллеж битирувчилари Суннатбек Жумабеков сартарошлик соҳасида, Жасур Мамасолиев чакана савдо-сотик хизмат тури бўйича, Дийёрбек Узоқов телекоммуникация операторларига, провайдерларга воситачилик хизмати кўрсатиш соҳасида фаолиятларини бошлаб юборишди.

— Келгусида сотиладиган маҳсулот тури ва миқдорини кўпайтириб, фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилганман, — дейди ёш тадбиркор Д.Узоқов. — Фаолиятимни

йўлга қўйишда менга яқиндан ёрдам берган таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси туман кенгашидан миннатдорман.

Туманда касб-хунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринларини яратиш, уларни хусусий тадбиркорликка қўлай этиш, битирувчилар учун кредитлар олиш борасидаги имтиёз ва қўлайликлар билан таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда учрашувлар, семинарлар ташкил этилмоқда.

Баҳрулло ҚОДИРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Ёшларнинг таянчи ва суянчи

>> 3



Ҳаёт завқи

>> 4



Вилоят босқичи яқинлашмоқда

>> 6

Меҳнат муҳофазаси — касба уюшмалари диққат марказида



Қ(1). Бугунги кунда ижтимоий ҳамкорлик асосида ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, соҳага оид қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва келишиш жараёнида касба уюшмалари фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофазаси бўлими» қонунини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун (янги тахрирда) лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида касба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланди. Турли тармоқлар тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазасига оид 500 мингга яқин тадбирлар амалга оширилди ва ўшбу мақсадларга 200 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, бошланғич касба уюшмалари тизимида 40 мингга яқин меҳнатни муҳофазаси қилиш вакиллари томонидан уч босқичли назорат тизими йўлга қўйилган. Мазкур тизим соҳада хатоликлар юз бериши олдини олиб, меҳнат муҳофазаси маданиятини ошириш имконини бермоқда. Шунингдек, корхоналарда меҳнат қилаётган ходимлар, айниқса, хотин-қизларнинг ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказилиши бўйича жамоатчилик назорати амалга оширилиб, жойларда хотин-қизлар меҳнати муҳофазасини кучайтиришга оид семинар-тренинглари ўтказилмоқда. Хусусан, республикадаги фермер хўжалиқлари раҳбарлари учун «Фермер хўжалиқларида меҳнатни муҳофазаси қилиш» мавзусида ўқув-семинарлари ташкил этилиб, уларда 41 568 нафар фермер хўжалиқлари раҳбарларининг иштироки таъминланди.

Давра суҳбати давомида мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси, соғлом ва хавфсиз меҳнат шaroитлари яратишга оид норматив-ҳуқуқий негизнинг такомиллаштириш бориши натижасида соҳага тааллуқли қатор масалаларни ижтимоий шериклик асосида ҳал этиш имкони кенгайиб бораётгани таъкидланди. Жумладан, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда давлатнинг энг яқин ижтимоий ҳамкори ҳисоб-

риш имкони кенгайиб бораётгани қайд этилди. Хусусан, жамоа шартномалари орқали меҳнат муҳофазаси соҳасида меҳнатда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитар-гигиена ҳолатини яхшилаш, ходимларни маиший хоналар, профилактик озқовқатлар билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси қондаларига ўқитиш, иш ўринларини шаҳодатлаш, тегишли тартибда имтиёз ва компенсациялар ўрнатиш, ходимларни махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва зарарсизлантириш воситалари билан таъминлаш, уларни мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Ангрэн логистика маркази», «Ўзтемирйўлконтейнер»,



ри бўйича Бюроси бош техник маслаҳатчиси Харри Талига, шунингдек, Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Саноатгеоконттехназорат» давлат инспекцияси каби қатор ҳамкор ташкилотлар вакилларининг мавзу юзасидан чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Давра суҳбатида иштирокчилар учун «Ходимлар меҳнати муҳофазаси: Меҳнат шaroитлари даражасининг иш жойидаги ходимлар руҳиятига таъсири», «Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик» мавзуларида секция машгулотлари ҳам ўтказилди. Уларда ходимлар меҳнати муҳофазасини самарали таъминлашда давлат, касба уюшмалари, иш берувчилар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги самарасини кучайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Ходимлар меҳнати муҳофазасини кучайтиришда меҳнатни муҳофазаси қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Шунингдек, меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасида профилактика маданиятини биргаликда юқори даражага кўтариш борасидаги фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Ходимлар меҳнати муҳофазаси қилишни ташкил этишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, уларнинг манзиллиги ва самардорлигини ошириш юзасидан қимматли фикрлар билдирилиб, миллий ва халқаро тажрибалар билан ўртоқлашилди.

Давра суҳбати доирасида ҳўжалик субъектларида меҳнатни муҳофазаси қилиш масалаларига эътиборни кучайтириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда касба уюшмалари фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яқин ташкил этиш бўйича республика кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Маълумки, кўрик-танлов ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида «Энг яқин корхона», «Энг яқин касба уюшма кўмитаси», «Энг яқин меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» номинациялари бўйича ўтказиб келинмоқда. Шунга қўра, ишлаб чиқариш тармоғи бўйича: «Энг яқин корхона» йўналишида «GM-Uzbekistan» АЖ Хоразм вилояти филиали, «Энг яқин касба уюшма кўмитаси» ва «Энг яқин меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» йўналишидаги бўйича мос равишда Самарқанд вилояти «СамАвто» МЧЖ бошланғич касба уюшма кўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти «JV MAN AUTO-UZBEKISTAN» АЖ қўшма корхонасининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Наимжон Марупов голибликни қўлга киритди.

Ноишлаб чиқариш тармоқлари бўйича: «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти «Энг яқин корхона» деб топилди. «Энг яқин касба уюшма кўмитаси» йўналишига Сурхондарё вилояти «Термиз вагон депоси» бошланғич касба уюшма кўмитаси муносиб кўрилган бўлса, Сурхондарё вилояти Ғалаба станциясининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Орифжон Муродов «Энг яқин меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» деб топилди.

Ғолиблар, шу жумладан, йўналишлар бўйича 2- ва 3-ўрин соҳиблари Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Шунингдек, «Меҳнат шaroитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури» доирасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси қошида ташкил этилган Идоралараро ишчи гуруҳ фаоллари ҳамда ижтимоий ҳамкорлардан бир гуруҳига ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофазаси қилиш кўнига бағишланган давра суҳбатлари Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, бошланғич касба уюшма ташкилотларида ҳам ўтказилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари,
Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири,
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар.

СЎЗ — ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРГА

Қудрат ИБОДУЛЛАЕВ,
«GM-Uzbekistan» АЖ Хоразм вилояти филиали касба уюшма кўмитаси раиси:

— Жамоада 1555 нафар ходим меҳнат қилади, уларнинг иш шaroитини янада яхшилаш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бизга катта масъулият юклайди. Корхонамизда ҳар ойда «Меҳнат муҳофазаси кўни» ўтказилиб, муҳандис-техник ходимлар иштирокида меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ва касба уюшма фаоллари учун ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Бугунги эътироф фаолиятимизни янада жонлантиришга тўрқиб бўлади.

Наби НАЗАРОВ,
«Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» АЖ касба уюшма кўмитаси раиси:

— Ижтимоий шериклик асосида корхона маъмурияти ҳар бир ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб келмоқда. Бу ходимларга қўлайлик ва афзалликлар яратишга, уларни ҳам ижтимоий, ҳам маънавий рағбатлантиришга хизмат қилаётди. Жумладан, амалдаги жамоа шартномасига меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникаси меъёрига оид тадбирлар киритилиб, ижроси таъминланаёпти. Ходимларимиз ишчи коржомалари, бош-оёқ кийим ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Ходимларга тегишли тартибда сут маҳсулотлари берилмоқда. Цех ва бўлинмаларда меҳнатни муҳофазаси қилиш вакиллари бурчати ташкил этилган. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назорати доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиниб, соҳа мутахассисла-

ри томонидан ўқувлар ўтказилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатларимиз эътироф этилганидан хурсандимиз.

Тўлқин РЎЗИМУРОВОВ,
«Навоийазот» АЖ касба уюшма кўмитаси раиси:

— Корхонамиз республикадаги қишлоқ ҳўжалиги фаолияти учун минерал ўғитларни етказиб берувчи энг йирик кимё саноати корхоналаридан бири бўлиб, 70 дан зиёд турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Тўртта ишлаб чиқариш бўлимида 19 минг нафардан зиёд ходим меҳнат қилади. Катта жамоанинг манфаатларини ифода этиш ўта масъулиятлидир. Шуни инобатга олган ҳолда, ходимлар меҳнатини муҳофазаси қилиш, улар даромадини ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш каби қатор йўналишлар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги мукофот янада фаол ишлашимиз учун ўзига хос йўлланмадир.

Яйра АГЗАМОВА,
«Ангрэн бошланғич электр станцияси» АЖ бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси:

— Энг яқин касба уюшма кўмиталари сафида эканлигимиздан мамнунмиз. Фаолиятимизга келсак, намунали ишлашга астойдил ҳаракат қилаёلمиз. Жумладан, жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари таъминланмоқда. Меҳнат муҳофазаси доимий эътиборда. Ноқулай меҳнат шaroитида ишловчи ходимлар учун жамоа шартномасига алоҳида бандлар киритилган. Унга

қўра, ишчилар махсус кийим-бош, шахсий гигиена воситалари билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари назоратта олинган.

Зубайда ЖЎРАЕВА,
«Шоҳрул» акциядорлик

жамияти касба уюшма кўмитаси раиси:

— Аввало, камтарона фаолиятимиз муносиб баҳоланганидан жуда мамнунмиз. Бундан биз ўзимиз учун рағбат деб тушунамиз. Жамиятимизда ходимлар манфаати биринчи даражали масала бўлиб, жумладан, корхона меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникаси хонаси ташкил этилган, минимал зарур кўргазмалар қурулган билан жиҳозланган. Ишчилар махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Собир БОЗОРБОЕВ,
«Урганчтрансгаз» ШК касба уюшма кўмитаси раиси:

— Касба уюшма кўмитамиз ўзидан 13 та цех касба ташкилотини бирлаштирган бўлиб, 3300 нафардан зиёд аъзонинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ифода этиб келмоқда. Меҳнатқашларнинг меҳнати муҳофазасини таъминлаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш фаолиятимизнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Айниқса, меҳнат муҳофазаси борасида тадбирларни меъёрига етказиб, тўқис бажаришга ҳаракат қиламиз. Негаки, ходимлар хавфсиз ва соғлом ишлаши корхонамиз тараққиётининг асосий омилларидан ҳисобланади.

ланган касба уюшмалари томонидан ходимлар меҳнатини муҳофазаси қилиш борасида ҳамкор ташкилотлар билан олиб борилаётган ишлар алоҳида эътироф этилди. Мазкур йўналишлардаги ишларда Вазирлар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувнинг муҳим омил бўлаётгани эътироф этилди. Ушбу ҳужжат асосида ҳудудий ва тармоқ келишувлари ҳамда энг қуйи бўлинмада амалда қўлланилаётган жамоа шартномалари орқали ходимлар меҳнати муҳофазасини кучайти-

«Қварц», «Навоийазот», «Ўзбектелеком» АК, «Ўзметкомбинат», «Аммофос Максам» АЖ, «Навоий халқаро аэропорти» ДУК каби қўллаб корхона ва ташкилотларда самарали натижаларга эришилмоқда. Мазкур йўналишлардаги саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда корхона ва ташкилотларда меҳнатда жароҳатланиш ҳолати ва касб касалликларининг олдини олиш масаласи



энг устувор вазибалардан бирига айланди.

Рақамларга мурожаат этсак, жорий йилнинг 1-чораги давомида жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича 2016 йилга режалаштирилган 505 минг 281 та тадбирдан қарийб 196 мингта си бажарилишига эришилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 763 тага кўндир. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 33 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат муҳофазаси йўналишида сарфланган маблағ 1,8 фоизга кўпайганини билдиради.

Меҳнат муҳофазаси масаласига эътибор кучайтирилиши натижасида корхоналарнинг ишлаб чиқариш

фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлиги таъминланмоқда. Ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, ходимлар саломатлигини сақлаш ва уларни бахтсиз ҳодисалардан асрашга қаратилган талаблар кучайтирилди. Шунингдек, мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича иш берувчилар ва уларнинг тегишли юқори бошқарув органлари масъулияти кучайтирилиб, улар таркибида касба уюшма вакиллари иштироки таъминланмоқда.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси Ёқуб Умаров, Халқаро меҳнат ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатла-



Ўқув-семинар

Вазифалар белгилаб олинди

Мамлакатимизда ходимлар меҳнати муҳофаза қилиш, уларга хавфсиз, қулай ва муносиб меҳнат шaroитлари яратиш масалаларига эътибор йил сайин кучайиб бормоқда. 28 апрел — Бутунжаҳон меҳнати муҳофаза қилиш куни муносабати билан ташкил этилган тадбирларда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, эришилган ютуқлар, бу борада қилишни керак бўлган вазифаларга кенг тўхталиб ўтилди.

Самарқанд вилояти. «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида мақzur санага бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда таъкидланганидек, жисмоний ва ақлий меҳнат туридан қатъи назар, иш унумдорлиги ходим кайфиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бинобарин, иш ўринлари ўз вақтида шаҳодатдан ўтказилиб, зарарли меҳнат омили бартараф этилса, бу сифат ва самарадорликка ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шу боисдан ҳам бундай масалалар иш берувчиларнинг доимо диққат марказида бўлиши зарур.

Тадбирда вилоятдаги меҳнат, соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Саноаттехноконхозорат» ҳамда «Ўздавэнергозорат»нинг минтақавий инспекциялари, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, «Кафолат сугурта компанияси» АЖ филиали, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, «Самарқанд автомобил заводи», «Самарқанд электр тармоқлари» АЖ ҳамда «JV MAN AUTO — UZBEKISTAN» МЧЖ шаклидаги қўша корхонанинг малакали мутахассислари ўзларнинг бой тажрибалари билан ўртоқлашди.

Усмон КАРИМОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Қашқадарё вилояти. Санага бағишланган тадбирда сўзга чиққан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов меҳнат муҳофазаси маданиятини ривожлантириш, корхона ва ташкилотларда ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шaroитлари яратиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликлари олдини олиш борасида ижтимоий шериклики янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ муҳандиси Суръат Жумаевнинг «Жамоа шартномаларида меҳнати муҳофаза қилишга оид битимнинг бажарилиши юзасидан олиб борилган ишлар», вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим бошлиғи Зиёдулла Обидовнинг «Иш ўринлари меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан шаҳодатдан ўтказиш ишлари»га бағишланган маърузалари иштирокчилар билимини янада бойитишга хизмат қилди.

Давра суҳбати давомида вилоятдаги йирик корхоналарнинг меҳнат муҳофазасига оид ишларни ўзида акс эттирган кўргазма ташкил этилди.

Анвар ХУЖАҚУЛОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан бир қатор ташкилот ва корхоналар ҳамкорликда иш жойларида содир бўлаётган бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларига чалинишни олдини олиш ҳамда меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборни янада кучайтириш масалаларига оид давра суҳбати ўтказилди.

— Бугунги тадбирдан қўланган мақсад касб касалликларининг келиб чиқиш омилларини аниқлаш ва таҳлил этиш, меҳнат шaroитлари даражасининг ходимлар руҳиятига таъсирини ўрганиб чиқиш ва меҳнатқашларга амалий ёрдам беришдан иборат, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнати муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Махбуба Қамбарова.

Тадбир давомида вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотлар томонидан меҳнати муҳофаза қилиш ҳамда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

Жиззах вилоятида ташкил этилган тадбирда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н.Пардаев меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик қондаларига амал қилиш, бу борада иш берувчилар ва ходимлар эътиборини кучайтириш, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши устидан давлат ва жамоат назорати олиб борилишида ижтимоий шериклигининг аҳамияти ҳақида сўзлаб, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш лозимлигига эътибор қаратди.

Тадбирда вилоят Меҳнат бош бошқармаси бош давлат инспектори Мелиқўзи Омиртиков, «Жиззах санаторийси» бошлангич касаба уюшма кўмитаси раиси Икром Жаборов, «Саноаттехноконхозорат» минтақавий инспекцияси давлат инспектори Бахтиёр Раҳмонов, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази Меҳнат гигиенаси бўлими мудири Нарзиқул Убайдуллоев, вилоят Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси махсуллатирилган таҳлилий назорат инспекцияси бошлиғи Нуриддин Қувондиқовнинг мавзуга оид чиқишлари тингланди.

Анжуманда ўтган йил давомида меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш борасидаги юқори кўрсаткичга эришган «Жиззах санаторийси», «Жиззах пластекс», Жиззах политехника институти жамоаларига эсдалик совғалари топширилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Сирдарё вилояти. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва «Сирдарёпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖ томонидан ҳамкорликда ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Халқаро меҳнат ташкилоти ва унинг фаолияти, мамлакатимизда амалда бўлган қонун ва қонунности меъёрий ҳужжатлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, пахта тозалаш корхоналарида техника хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилишининг нақадар муҳим эканлиги ва бу борада олиб борилаётган ишларга кенг тўхталиб ўтилди.

— Бундай семинарларнинг пахта тозалаш корхоналарида ўтказилиши аънаанага айланиб бормоқда. Эътиборлиси, ўтган йиллар давомида семинар уюштирилган пахта тозалаш корхоналарида меҳнат соҳасидаги бахтсиз ҳодисалар қайд этилмади, — дейди «Сирдарёпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖ раисининг биринчи ўринбосари Мамашариф Эргашев.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири



Аграсаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Ўртачирчиқ туманида ўқув-семинар ташкил этилди.



тармоқнинг ҳудудий масъул ташкилотчилари ҳамда Тошкент вилояти тармоқ туман кенгаши раислари иштирок этишди. Йиғилиш сўнггида мавзуга юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

Ходимлар ҳимояси йўлида

Унда асосий эътибор янги ташкил этилган фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилоти фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг ягона тизимда ишлаш меҳ-

натини яратиш ҳамда жамоа шартномалари тузишни тезлаштириш, фермер хўжаликлари ишчи-ходимларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя-

қилиш масалаларига қаратилди.

Тадбирда Федерация Кенгаши ташкилий ишлар бўлими ходими Қувондиқ Муқумов, Республика кенгаши аппарати ходимлари,

Қарор ва ижро

Ёшларнинг таянчи ва сўянчи

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, юридик шахс мақомига эга корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларининг барчасига ёшлар учун имтиёз ва қўшимчалар тўғрисидаги бандлар киритилишига эришилди. Улар асосида корхоналардаги талаба ёшларнинг ўқув шартнома пуллари қисман тўлаб берилмоқда. Ёш оилаларга фойсиз кредитлар ажратилляпти.

Айтиш жоизки, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Раёсатининг 2016 йил 15 январдаги қарори билан бирлашманинг «2016 йилда ёшларга оид сиёсатни амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлари Дастури»нинг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг янада кенг қўлам касб этишига сабаб бўлди.

Хусусан, адлия, меҳнат бошқармалари билан ҳамкорликда корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ёш ходимлар, жумладан, фермерлар ва ўқитувчи-мураббийларнинг меҳнат қонунчилигига доир билимларини ошириш мақсадида туркум давра суҳбатлари ўтказилди. Ундан зиёд касб-ҳунар коллежларида ташкил қилинган шу каби тадбирларда ёш ходимларнинг фаол иштироки таъминланди.

Соғлом оила ва бола йили муносабати билан ташкил қилинган «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари

иштирокчиларининг аксарияти ёшлардир. Корхона, ташкилот ва муассасаларда гимнастика билан шуғулланидиган 100 мингга яқин ходимларнинг 30 фоизи ёшлардан иборат.

Бугун ёшлар кенгашилари эътибор қаратаётган муҳим вазифалардан яна бири Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2016 йил 22 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўринлари яратиш тўғрисида»ги раёсат қарори ижросини таъминлашдир. Федерация Кенгашининг тавсиялари асосида жойларда коллеж битирувчиларига иш ўринлари яратиш бўйича барча тармоқ касаба уюшмалари кенгашилари ходимларига ўқув семинарлар ташкил этилди. Шаҳар ва туманлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида янги иш ўринлари

яратиш бўйича манзилли дастур тасдиқланди. Унга қўра 2016 йил давомида вилоятда 435 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, 1-чорақда 55 та иш ўрни ўз эгаларини топди.

Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси веб-сайтнинг (<http://xorazm.kasaba.uz>) интерактив хизматлар қисмида «Ёшлар кенгаши» бўлими ташкил этилганлиги ҳам айтиш мумкин бўлди. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда ушбу бўлимда ёшларга интернет орқали интерактив ҳуқуқий маслаҳат кўрсатиш бўйича веб-саҳифа яратилди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда ёшларнинг ўрни муҳим. Улар маънавиятини шакллантириш, истеъдодини янада ривожлантириш, рағбатлантириш, дунёда бўлаётган воқеа ва жараёнларга ўз муносабатини билдира оладиган мустақил фикрга эга, ватанпарвар фарзанд этиб тарбиялаш борасида барчамиз бирдек масъулмиз.

Б.РЎЗМЕТОВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Осойишта тонглар қадри

Нихоят тонг отди. Ярим тунгача кўча чангитиб, бекинмачок ўйнаган болакайлардан бошқа барча уйғониб, кундалик юмушларига киришади. Нонини белига тугиб олган чўпон ҳай-ҳайлаган кўйи чорвасини Зарафшон дарёси бўйига ҳайдайди, қашқирни ҳам ола билладиган олапар ити эса тилини осилтирганича унга эргашади. Келинчак ошхонада куймаланади, кекса қайнонаси тасбеҳ ўғирганича унинг ҳаққига дуо ўқийди. Эндигина тилга кирган жажжи қизалок кўшни хонадан кўзини ишқалаб чиқади ва йиғлаганича ишга кетган дадасини сўрайди...

Навбахор туманидаги Дулдул қишлоғи ахли тонгни шундай қарши олади. Ушбу сўлим қишлоқда яшовчи Иброҳим бобо Олимовнинг айтишича, бундай осойишта тонгларнинг қадри олтинга тенг.

Иброҳим бобо Дулдулнинг кекса отахонларидан бири. Куч-қувватга тўлган дамлари пахта даласида ўтган. Турмуш ўртоғи Махбуба Олимова билан уч ўғилу бир қизни эл қорига ярайдиғлар инсонлар қилиб тарбиялаб, бугун набира-ю зваралар қуршовида умргузаронлик қилиб келмоқда.

Иброҳим бобонинг таърифини эшитиб, йўқлаб борганимизда кун пешиндан оққан эди. Отахон оғилхона томонда нимадир иш билан машғул экан, бизни ҳовли четига катта тут дарактининг тағига қўйилган чорпоё томонга бошлади.

— Э, болаларим, заб келибсизлар-

да! Ўзи эрталабдан меҳмон келишини кўнглим сезгандай кўзим учаетган эди, — дейди бобо набираси Гуласал дамлаб келган чойга бизни таклиф этиб. — Ҳар куни тонг оқармасидан уйғонишга одатланганман. Субҳидамнинг мусаффо ҳавосидан нафас олганча, олисдан бош кўтараётган кўёшни кузатмасам, шалдираб оқайтган Зарафшон дарёсининг товушини эшитиб, шукрона айтмасам кўнглим жойига тушмайди. Ахир бу осойишта тонгларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Беихтиёр ҳайл олиб қочади. Ростда, эрк учун кимлар зах турмаларда кун кечирмади, кимлар совуқ ўлкаларга сургун қилиниб, умрининг сўнгги дамигача юрт соғинида қўйиб яшамасди?! Ушбу шодумон кунлар, Истиқлол шукўҳи Қодирийнинг сўзларида, Чўлпоннинг қорачиғи-ю Усмон

Носирнинг бўғзида тош қотган, пахта режасини бажариш учун қўшиб ёзганликда айбланиб, беш нафар фарзандининг чинқирғини дили худтон бўлганча қўлида кишан билан поездга чиқайтган отанинг кўзларидан қўйилиб келган ёшларни артиб қўйгандек туюлади.

— Ўтган асрнинг айнаи уруш йилларида эндигина эсимни таниган, тўққиз-ўн ёшлардаги бола эдим, — сўзида давом этади бобо энтиқиб. — Кун кеचириб, ҳатто тўйиброқ оқватланди катта муаммога айланганди. Чунки етиштирилган махсулотлар фронтга ташиб кетиларди. Шундай оғир кунларда аввалига отамдан, кейинчалик онамдан ажралиб, укаларим ва синглим билан ёлғиз қолдик. Фарзандларнинг каттаси бўлганимдан энди оила ташвишлари бутунлай менинг зиммамда эди. Номини ўсун урушнинг, қанчадан-қанча мард ўғлонлар жанггоҳларда шахид кетди, кимнингдир уйига қораят келган, кимнингдир фарзанди исиз йўқолган. Шукрлар бўлсинки, бугун бу халқнинг қадди тик, қадри баланд. Юртимиз гуллаб-яшнаётти, атрофга боқиб кўнгли яйрайди кишининг. Айниқса, намунавий лойиха асосида қишлоқ жойларида қурилаётган уй-жойларни айтмайсизми! Икки йил олдин набирам Зафаржон ҳам шундай уйлардан бирини со-

Анжуман

Вазирлар Мақамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантириш мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ўтказилган матбуот анжумани «IX Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси»га бағишланди.

Инновацион гоёлар ривожи

Таъкидландики, 11-13 май кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» биносида ўтказилган «Республика IX Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси»да «Саноат», «Ахборот технологиялари», «Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика», «Қишлоқ хўжалиги» ҳамда «Фан ва таълим» йўналишлари бўйича 600 дан ортиқ инновацион ишланмалар тақдим этилади.

Шунингдек, биринчи марта уюштирилаётган «Экотехнологиялар» йўналиши бўйича ярмаркада атрофмуҳит муҳофазаси, тикланиш ва тозаланишни таъминловчи ҳамда қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланишни самарали технологиялардан иборат республикамиз илмий ташкилот ва университетлари томонидан ишлаб чиқилган 50 дан ортиқ янги ёндошувлари билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар учун ташкил этилган «Юқори технологиялар» бўлимида 30 га яқин энг илғор ишланмалар тақдимоти бўлиб ўтади.

Бундан ташқари, навбатдаги ярмаркада ёшларнинг инновацион гоёлари III Республика танлови доирасида ёш олим ва талабаларнинг 70 та ишланмаси ҳавола этилади.

Уч кун давом этадиган ярмаркадан сўнг 14 май куни «Экотехнологиялар» бўйича таълим ва таълимчилик йўналиши бўлимида 30 га яқин энг илғор ишланмалар тақдимоти бўлиб ўтади. Бундан ташқари, навбатдаги ярмаркада ёшларнинг инновацион гоёлари III Республика танлови доирасида ёш олим ва талабаларнинг 70 та ишланмаси ҳавола этилади.

Уч кун давом этадиган ярмаркадан сўнг 14 май куни «Экотехнологиялар» бўйича таълим ва таълимчилик йўналиши бўлимида 30 га яқин энг илғор ишланмалар тақдимоти бўлиб ўтади. Бундан ташқари, навбатдаги ярмаркада ёшларнинг инновацион гоёлари III Республика танлови доирасида ёш олим ва талабаларнинг 70 та ишланмаси ҳавола этилади.

Уч кун давом этадиган ярмаркадан сўнг 14 май куни «Экотехнологиялар» бўйича таълим ва таълимчилик йўналиши бўлимида 30 га яқин энг илғор ишланмалар тақдимоти бўлиб ўтади.

Раъно МАХҚАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Раъно МАХҚАМОВА, «Ishonch» мухбири

Тадбир сўнггида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

82 ёшни қаршилаган тетик отахон томорқа ишларини ўзи бажарар экан: «Иш билан бўлиб қайтаган яшараяман», дейди қулиб.

Иброҳим бобо билан қош қорайгунча суҳбатлашдик. У киши мамлакатимизда кексаларга кўрсатилаётган ҳурмату гамхўрликлар, айниқса, Кексаларни эъозлаш йилида қўллаб-қайриб ишлар амалга оширилгани ҳақида тўлқинлаб гапирди.

...Ўққ қизариб, қуёш кўз илғамас кенгликлар ортига ёнбошлайди. Бир зумда атрофни қоронғулик чулғаб олади. Дехқон даласидан, чўпон яйловидан қайта бошлайди. Лекин, одатдагидек кўча чангитиб, бекинмачок ўйнаб юрган болакайларнинг қичқирғи алламаҳалгача эшитилиб туради. Уйқу келмагач, оёқ ёзгани ташқарига чиққан отахон юлдузлари чароғон осмонга боқиб, шукрона айтиб қўяди. Дулдулликлар тунни шундай қутиб олишади.

Руслан САБУРОВ,
«Ishonch» мухбири

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

1 май — Фавворалар сайли куни



Вазиirlар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида «Фавворалар сайли» ёшлар оммавий-маданий тадбирларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шодиёналаримиз сонини яна биттага кўпайтирди. Ҳар йили 1 май куни ўтказиладиган ушбу сайл буғун айванга айланди. Зеро, фавворалар нафақат тинч ва осойишта ҳаёт, балки юртимизда амалга ошириладиган миселсиз ўзгаришлар, юксалишларнинг ёрқин ифодаси ҳамдир.



Хотиржамлик рамзи

Доно халқимиз азалдан тантаналарни, хурсандчиликни хуш кўради. Байрамларни шунга монанд ташкил қилади. Мехмонларсиз, миллий куй-қўшиғу рақсларсиз ўтказмайди. Тиббиёт мутахассисларининг фикрича, фаввора суви жилосини кузатган инсонда қон айланиши ва мия фаолияти яхшиланади, асаб тизими тинчланади экан. Энди сувнинг жилосига ранг-баранг чироқлар-у ажиб мусикалар, фусункор манзара ҳамоҳанг бўлса-чи?! Фавворани кечки пайт, салқин ва фарахли дамларда томоша қилиш одамга қанчалар хузур бахш этаркин! Буни ҳис этиш учун айни кунларда узок йўл юриб, бирон жойга бориш шарт эмас. Чунки юртимизнинг барча худудлари, хусусан пойтахтимизда нафислик билан бунёд этилган бир-бирдан ажойиб, гўзал фавворалар бисёр.

Баҳор тароватидан кўнгиллар сурурга тўлган ушбу шукўҳли дамларда сайлга чиқиб, истиқлол берган имкон, доруломон замон ҳавосидан баҳраманд бўлишга не етсин! Хотиржамлик рамзи бўлиши фаввораларни кўрганда дини шукроналик ҳисси қамрайди. Кўз олдимизда шодон қўйқирлар билан ўйнаётган жажжи болажонимиз, яқинларимиз кувончи, осойишталиги бардавом бўлиши учун керак бўлса, кўксимизни қалқон қилишга тайёрлигимизни англаймиз. Сакраб ўйнаётган сув томчилари хурлик ва тинчлик энг олий бебаҳо неъматлигини эсга солади. Уларни асраб-авайлашга ундаймо.

Уз мухбиримиз.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Билиб қўйган яхши

САРАТОНДАН ЮГУРИБ ҚОЧИНГ

Олимпларнинг кузатишчи, югуриш саратон тўқималарининг ўсишини секинлаштирилади. Жониворларда ўтказилган тажрибалар шунини кўрсатмоқда: мунтазам жисмоний машқ бажариш адреналин ва иммунитет тўқималарининг кўпроқ ажралиб саратон тўқималарига қарши курашишини орттиради.

ОЛМА, ОЛМА ДЕРМИСАН...

Сог бўламан десангиз ҳар куни битта олма енг, деб маслаҳат беради австралиялик олимлар. 15 йил давом этган кузатувлардан сўнг улар шундай хулосага келишди. Олма таркибидаги флавоноидлар тўқималарнинг химоя кучини ошириб, холестерин ва қон босимини пасайтиришга ёрдам беради. Бу модда нок, кулупнай ва редискада ҳам сероб. Дарвоқе, яна бир муҳим гап: олма эрта ўлимнинг олдини олар экан. Шу тарихқа мутахассислар гўшт маҳсулотлари билан бабаробар ўсимлик, мева-сабзавотларни кўп микдорда истеъмол қилишга чақириммоқда.

СУНЬИЙ ТЕРИ

Маълумки, жаҳонда генетик тадқиқотлар туфайли тананинг турли аъзоларини сунъий етиштириш бошланган. Шулардан бири сунъий теридир. Япониянинг AIKEN институтидаги Такаши Цуи ва унинг ҳамкасблари аввал ҳам беморларга кўчириб ўтказилган тери яратишган. Янги тери аввалгисидан да мукамалроқ бўлиб чиқди. Бунинг учун олимлар сичқонларнинг оғиз бўшлиғидан намуна сифатида эпителий тўқималарини ажратиб олишди. Ундан асос тўқималарни етиштириб, уч қаватли оддий тери тўқимасини яратишга муваффақ бўлишди. Бу тери жонли теридан фарқсиз: ёғ безлари ва соч follicулалари бор, мушак ва нерв тизими билан боғланган. Кўчириб ўтказилган намуна табиий шароитда ўсгандек яхши ривожланган. Иختиридан териси куйган беморларга тери етиштириб беришда фойдаланиш мақсад қилинмоқда. Бундан ташқари, дори ва косметик воситаларни синишда ҳам сунъий терини қўллаш афзал.

Гулгун СУЛТОНОВА

Баҳор ўйлари

Борлиқ уйғонса...



Кенгсан ўн саккиз минг олам, торсан игна кўзидан ҳам, Гоҳо оғу, гоҳо малҳам, кўнглима, кўнглим...

Баъзан инсон ўзи билан ўзи қолганда, ҳаёт фалсафасига жавоб излаб, ана шу тахлитда кўнгил билан сирлашади. Кўнгил эса беқарор, дам дунёнинг поёнсиз кенгликларини узара парвоз қилади, дам ўтмай атиргул баргларидаги шудрингга айланади.

— Мен баҳорни севаман, — ҳайқиради у. — Момақалдирок гўмбурлаши, шарррос ёмғир ёғишини кузатиш жуда мароқли. Гулларнинг хушбўй ифорида маст бўлиб, дараклар уйғонишини кўриш нақадар завқли.

— Яна нелар сенга хуш ёқади?

— Яна, ёни севаман. Жазирама одтоб нурида тобланиш, ойдан тунда эса юлдузлар тўла коинотда сайр қилиш шунчалар сеҳрли. Фарқ пишган мевалар таъминини айтмайсизми!

Кўнгил бироз ўйланади.

— Куз ҳам ажойиб. Унинг соқин нафаси, ҳазонрез баргларнинг шитирлаган товуши, дов-даракларнинг олтин рангда товланиши... барча-барчаси мафтункор.

— Кейин-чи?

— Эҳ, илиқ ҳаво салқинлашиб, те-варак-атроф оппоқ қорға бурқанган. Табиат беғуборлик, мусқафолик

оғушида. Шундай гўзалликлар билан қишни севамай бўладими, ахир. Кўнгилга дейман:

— Мен эса сен билган тўрт фасл мужасам бўлган, ана шу азим диёр — Ватанни севаман. Унинг ҳар зарра тупроғи кўзимга тўтиё, боғу-адирлари жонимга туташ. Тоза ҳавоси танимга, одамларнинг ширин сўзи, меҳри юрагимга дармон. Ҳа, мен шу жаннатмонанд юртини севаман. Баҳорини ёшлигимга, ёзини фарзандларимнинг тетапоқ қилган қадаму-ю, илк бора тилга кириб «онажон» деб айтган сўзига менгайман. Кузни эса кексалик томон бораётган меҳрибон ота-онамининг баридек ҳис қилиб, қишни табиат файласуфига ўхшатаман.

Ҳа, мен ҳам баҳорни севаман. Бироқ ундан-да қисқа вақт яшасада, тиним билмаган капалакни, ҳовлидаги дарахт устида ин қуриб, полапонларини учирма қилаётган кушларни, эндигина ниш ураётган гул кучатини, мева солишга тарадуд қўраётган дарахтларни, гулдан малҳам йиғайтган асаларини кўпроқ севаман. Чунки, улар келажак умидида тиним билмайди.

Баҳорнинг шаррос ёмғири ёғишини томоша қилишни эмас, мен ёмғирнинг ўзини севаман. Чунки, у сабаб она-заминга қўт-барак кирди. Разм сол, табиат неъматларининг барчаси сену-мен учун яратилган.

Кези келганда, дон ташинида бири-бирига қўмақлашаётган чумолидан, уй айвонига яна қайтган қалдирғоч садақатидан, митти капалак улашаётган гўзалликдан, уйини кўриқлаётган жонивор вафосидан, қақроқ қўлда бўлса-да қуёшга интилан лолчақизгалдоқдан ибрат ол. Улар беҳуда яшамапти.

Сен-чи?...

ГЎЗАЛ

«Касаба-тур» веломарафони

Вилоят босқичи яқинлашмоқда

Спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бу орқали улар саломатлигини мустаҳкамлаш, турли соҳа ходимлари ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳамда экологик тоза транспорт турини оммалаштириш мақсадларида ташкил этилаётган «Касаба-тур» веломарафони аҳолимиз орасида кенг қулоч ёйиб, ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бормоқда.

Шу кунларда республикамизнинг барча худудларида мусобақанинг иккинчи — туман ва шаҳар босқичи Низом асосида, ушқоқлик билан ўтказилмоқда.

Ана шундай мусобақалардан бири пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Таълим, фан ва маданият ходимлари, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмалари туман кенгашлари, Агротранспорт ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси бирлашган касаба уюшма қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Йилдан-йилга иштирокчилар сони ошиб бораётгани ҳам қувонтиради, ҳам рақобат руҳини янада кучайтиради, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Миробод туман кенгаши раиси Назира Насретдинова.

Бу йилги мусобақаларга, айниқса, аёллари-



миз кенг жалб этилмоқда. «Соғлом оила» шиори остида кечган оилавий ва «Спартак» спортмажмуаларида бундай ҳолатни кузатиш мумкин бўлди. Чунки, она соғлом бўлса, келажак авлод ҳам баркамол бўлиб вояга етиши, шубҳасиз.

Этмишдан ортиқ ходим иштирок этган ва қизгин кечган баҳслар якунига кўра, 20-35 ёшли аёллар ўртасида Евгения Иратова («Қишлоқ қурилиш инвест» ИК), эркеклар беллашуварларида эса Бекжон Исмоилов (294-умумтаълим мактаби) шохсупага кўтарилди.

35 ёшдан катта ҳаваскор велоспортчилар орасида Мархабо Ҳусанова (294-умумтаълим мактаби) ҳамда Пахлавон Саидзимов (147-умумтаълим мактаби) ғолиб бўлди.

— Касаба уюшмалари томонидан уюштирилган мусобақаларда иштирок этиб келаман. Айниқса, велосипед спорти жону дилим. Юртимизнинг барча аёллари ҳам велоспорт билан шу-

Велоспорт

Юксак марралар сари

17-24 апрел кунлари Наманган шаҳрида велотерм бўйича 2002 — 2003 йилларда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Хоразм вилояти терма жамоаси ҳам муносиб иштирок этди.

Гурлан туманидаги 2-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Умид Бахтиёров мусобақаларнинг гуруҳ пойғаларида биринчи, икки километрга яқинлик пойғаларида иккинчи ўринни эгаллади. Ушбу чемпионатнинг уч километрга жамоавий пойғаларида вилоят терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни кўлга киритди. Мазкур мусобақалардан олдин терма жамоа аъзолари Наманган шаҳрида беш кунлик ўқув машғулотлари ўтказилди.

Албатта, ҳеч бир муваффақиятга ўз-ўзидан эришилмайди. Хоразмлик велоспортчиларнинг ушбу натижалари ҳам эътибор ва ғамхўрлик, машаққатли меҳнат самарасидир. Истиқлол йилларида вилоятда велоспорт бўйича ундан зиёд спорт усталари етишиб чиққанлиги ҳам кўп нарсани аналтади.

— Бугунги кунда Хоразм вилоятида иккита велоспорт базиси мавжуд, — деди Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси Хоразм вилоят бўлими бош котиви О.Жуманов. — Гурлан туманидаги марказий ўйингоҳда жойлашган базада болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг уч нафар мураббийи 108 нафар велоспорт иштирокчилари билан машғулотлар олиб бормоқда. Ушбу

гулланишларини маслаҳат бераман. Шунингдек, бу спорт тури одамни ортиқча вазндан асрайди, — деди «Энг фаол аёл пойғачи» номинацияси ғолиби, 214-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулчеҳра Кулаҳмедова.

Тадбир якуни куй ва қўшиқларга улашиб кетди.

Худди шундай тадбир Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ангрэн шаҳар кенгаши томонидан «Кимёгар» ўйингоҳида ташкиллаштирилди. Мусобақада касаба уюшмаси кенгаши таркибидagi муассаса ва ташкилотлардан 100 ортиқ ҳаваскор велоспортчи иштирок этди.

20-35 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида 1-ўринни 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Фарид Рўзиев ҳамда Роҳила Абдураҳмонова эгаллади. 35 ва ундан юқори ёшлилар пойғасида эса 32-МТМ ходимаси Зуҳра Нигматова ҳамда 7-умумтаълим мактаби вакили Шухрат Камоловнинг кўли баланд келди.

Б.БАРАТОВ

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Сардоба, Оқолтин туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларида бўлиб ўтган мусобақалар қизгин ва муросасиз ўтди.

Оқолтин туманида ташкил этилган веломарафон очилиш маросими туман маданият ва спорт ишлари бўлими бадий ҳаваскорлик жамоасининг концерт дастури билан бошланди.

Шундан кейин, мактаб ўйингоҳида иштирокчилар саф тортиди. Мусобақани 20-35 ёшли ҳаваскор велоспортчилар бошлаб беришди.

Натижаларга кўра 20-35 ёшлилар ўртасида 3-умумтаълим мактаби вакили Едгоржон Мирзамухаммадов, 35 ва ундан юқори ёшли ҳаваскор велоспортчилар орасида 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Қаҳҳор Самаров етиб келиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

— «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган веломарафон Оқолтинда велоспортнинг оммавийлигини янада оширишда, саломатлиқни мустаҳкамлаш йўлида беиннат хизмат қилади, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Оқолтин туман кенгаши раиси Раҳмат Билолов.

Айни шундай тадбир Гулистон шаҳар Марказий ўйингоҳида ҳам бўлиб ўтди. Веломарафонда 17 ташкилотдан 34 нафар иштирокчи қатнашди.

— Ҳаммаси жуда яхши ўтди. Эришган натижадан қувондим. Юқори тайёргарлик боис спорт тадбирида ўзимизни маҳоратли спортчилардек ҳис қилдик, — деди ғолиба Камола Аданова. — Ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимизни билдираман.

Яқунга кўра Одил Расулов, Камола Аданова, Дилавер Абляев ва Гулнора Асатова ғолиблик шохсупасидан ўрин эгаллади.

Озода МАМАДУЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Барча тадбирлар якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, «Энг ёши улғу пойғачи», «Энг маҳоратли пойғачи», «Ғалабага бўлган интилиши учун», «Энг ёш пойғачи» ҳамда янги ташкил этилган «Энг фаол аёл пойғачи» номинациялари ғолиблари ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Мухаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

MUASSIS:



Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Hulluq va xalqaro hayot — 256-64-69
Miqyil-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflari fikri ta'biyotiy nuqtayi nazaridan farglanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

U.Ilbodinov
Navbatchi:
N.Mohamov
Musahhif:
S.Haydarov
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.

Korxonana manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalantir.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 3 bosma tabaq.

Buyurtma G — 415.

21990 nusxada bosiladi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 20:30
Topshirildi — 23:50

1 2 3 5 6



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.